**"Т А С Д И Қ Л А Й М А Н"**

**"Урганч нефт базаси" МЧЖ**

**Директори**

**_______________С.Маткаримов**

*«____»______________2022 йил*

## БУЮРТМАЧИ:"Урганч нефт базаси" МЧЖ

# "Урганч нефт базаси" Хавфли ишлаб чикариш объектларид авария юз берганда учинчи шахсларнинг хаёти, соғлиғи ёки мулкига ва атроф-мухитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чикариш объектларини ишлатувчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш

## ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Хоразм-2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
II. Техник қисм
III. Нархлар қисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 “Урганч нефт базаси” МЧЖ Хавфли ишлаб чикариш объектларид авария юз берганда учинчи шахсларнинг хаёти, соғлиғи ёки мулкига ва атроф-мухитга зарар етказганлик учун хавфли ишлаб чикариш объектларини ишлатувчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати –------------------------------------------ (______________) **сўм.**Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан аудитор ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб **5** ишкуни.

1.5.Аудит текширувнибошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1**. “Урганч нефт базачи” МЧЖ**, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч тумани, Паррандачилик пасёлкаси

Эл.адрес: unbxarid@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, Сугурта ўтказишга лицензия (рухсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамдаташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, аудит текширув учун зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) мурожаат килишга ҳақлидирлар.